



Газаллар, шеърлар, муножотлар...

Косимов - Собиров Абдулхамид Лузумий
(1900-1977 йй.)

Буюк инсон, шоир, ўзбек халкининг хурматли отахони, факих, диний олим, мулла Абдулхамид Лузумий Абдулкосим ўгли 1900 йили Чимкент вилоятининг Корамурт кишлоғида таваллуд топди.

Отаси мулла Косим ота ўқимишли, илм-фанни севган маърифатпарвар инсон бўлган эканлар. Онаси эса ўгли Абдулхамид етти ёшга тулганда вафот этади. Кенжа ўглининг зийрак ва ўткир зехнини кўрган Косим ота Абдулхамидни ўқита бошлайди. Шу тарика Абдулхамид Лузумий ўн икки ёшигача отасининг ёрдамида “Хафтияк”, “Куръон”, “Сўфи Оллоёр”, “Хожа Хофиз” китобларини ўқиб саводини чиқаради. Кейин мулла Косим ота ўглини Чимкент шаҳридаги мударрис Мухаммад Собирхон домла хузурига ўқишга элтиб кўяди.

Мухаммад Собирхон домла Бухорои шарифдаги мадрасаларда тахсил кўрган, ўткир илмли киши бўлиб, кўпгина шогирдларга, жумладан, Абдулхамид Лузумий, мулла Абдулгани Кодиров, Хусан кори Нуралиев ва бошқаларга сабоқ берган меҳрибон устоздир. Домланинг фарзандлари турмай, Абдулхамидни отаси Косим отадан вафоти олтидан фарзандликка сўраб олади. Шундан сўнг Абдулхамид домланинг уйида ҳам фарзанд, ҳам шогирд бўлиб тахсил олади.

Абдулхамид Лузумий устози Собирхон домла хақида шундай деб ёзади:

Адиби асл устози замона,
Улуми шаръига гўё хизона.
Гариби ё етим бўлса қачонким,
Талатуб айлағай чин ота-она.
Муборак номи Собирхўжа Эшон,
Демақдин бастаги тушди забона.
Вужудидин олис бугзу-адоват,
Килур душманга рибкат дўстона.
Хамиша кўшиши эл наъфи, ё раб,
Бихакки зотика таввил омона.
Илохи файзаху зид бихаёти,
Ва баъда мавтихи тойиб макона.
Нигохи мархамат Абдулхамида,
Килибдир лойика бу остона.

Шу пайтдан бошлаб, то умрининг охиригача Абдулхамид Лузумий ана шу масканда яшаб

ижод этган. У киши ўзбек, форс, араб ва турк тилларида шеърлар ёзган. Афсуски, Абдулхамид Лузумийнинг араб ва форс тилларида ёзилган кўлёмалари тақдир тақозоси билан Собик иттифок даврида шаркшунос-мутахассис Шоислом Шомухаммедов кўлига тушиб, изсиз йўқолди. Абдулхамид Лузумий Навоий девонларини, Муқимий, Фуркат, Абдуллох Авлоний ва бошқа шоирларнинг шеърларини, айникса, Фузулий ва Навоий девонларини қайта-қайта мутолаа қилган, уларнинг шеърларига мухаммаслар ёзган. 1928-1937 йилларда Чимкент пойабзал фабрикасида этикдўз бўлиб ишлайди. 1937 йили катагон қилиниб, 8 йил концлагерда, 3 йил сургунда бўлади. 1957 йили СССР Министрлар советининг қарори билан оқланади. 1977 йил 7 январда узок давом этган хасталиқдан сўнг вафот этди.

Лузумий девони

Абдулхамид Косим ўгли Лузумийнинг мазкур табаррук дастхат-ларини бир неча йил илгари ул зотнинг фарзанди аржумандлари Абдулазим ака ўз кўллари билан менга топширган эдилар.

Фақир бу йиллар давомида араб алифбосида хушхат қилиб битилган табаррук сатрларни кўз нурим ила ёритиб, улар бағрида мужассам топган дурри ятим монанд мазмунларни онгим қуввати ила аниқлаб, жорий ўрис ёзувига ағдариш билан машғул бўлиб келдим.

Албатта, фақир адо этган бу арзимас юмушнинг самарасини муқамал ва муфассал бўлди, дейиш асло жоиз эмас.

Зотан, фақирнинг араб ёзувидан бохабарлигимга қарамай, араб ва форс тиллари жавахиротидан бохабарлигим кўп ўринларда панд берди ва битикларимда кўплаб мужмалотларни пайдо қилди.

Шу боис қамини фақир Лузумийдек араб ва форс тилларининг билимдони ва айни пайтда ул лисонқарда мавжуд дурларга жило бера олган етук санъаткорнинг пок рухлари олдида ўзимни гунохкор ҳисоблаб, афсусларим ичинда илқимни фотиҳага кўтарганча қолгусидирман.

Аммо, шунга қарамай, фақир амин бўлдимки, Абдулхамид Лузумий (Аллох ўз раҳматиға олган бўлсин) ўзбек миллий мумтоз адабиётимизнинг бақувват ва нозик таъб намояндаларидан бири бўлуб, ўз сўзлари билан:

"Ғар Навоийни манга устоз десам ёлгон эмас,

Яъни, ман шогирдини шогирдини шогирдиман", - деганлари мутлақо ҳақиқатдир.

Надоматлар бўлсунки, фақир ул зоти бобаракотнинг табаррук ва айни пайтда ҳаётбахш қаламлари остидан қилган жамики сатрларга кўз юритиш бахтиға мушарраф бўла олмадим.

Бирок шунга қарамай, мазкур маънавий меросни чоп қилдиришдан ҳам аввал, ул зоти покнинг кўлимизда мавжуд араб ёзувидаги меросларини араб алифбосида хусниҳат билан кўчириб, албатта бир "Девон" тартиб бериш лозим экан, деган тугёнли бир орзуни баён қилиб қолгувчи фақир - ул ҳақир.

Тўхтамурод Уста Усмон ўгли Зуфаровдирман

Шаркшунослик институтининг илмий ходими.

Ташкент шаҳри. 28 ноябрь 1997 йил.

Шукрона

Косим ўгли Абдулхамид Лузумийнинг ўзи ёзиб колдирган эсдалиги:

“Ман 1900 йилинда Чимкент шахрининг Корамурт кишлогинда дунёга келиб, 7 ёшимда онам вафот этди. Отам 60 дан ошган вақти экан. Онам вафоти олдида отамга “бу бола ёш қоляпти, кўнглига каранг”, - деб отамга кўп тайинлаган эди. Сўнгида отам ёш хотин олиб, менга парво килолмайин колди. Мехрибон онадан айрилиб, ўгай она кўлида хор-зорликка чидай олмайин, хар куни канча маротаба йиглаб ўтирар эдим. Хатто, нон ва бошка ейдирган нарсаларни сандикка солиб, кулфлаб ўтирар эди. Отам анга каттик ва юшок сўйласа хам тингламас эди. Отам: “Оталик етим - шум етим, оналик етим - гул етим, деганлар. Онанг ўлгунча мен ўлсам, сен бунчалик хор-зор бўлмас эдинг”, - деб мани бирла кўшилиб, йиглаб ўтирар эди. Икки огамнинг бири уйланиб, ўз бошларини олиб кетдилар. Манга хам “биз бирлан кет”, дедилар. Ман: “отамни норози килиб, сизлар билан кетмайман”, деб, бормадим.

Шу тарика бирлан 12 ёшгача отам хизматида “Хафтияк”, “Куръон” ва “Сўфи Оллоёр” китобларини ўқидим. Бир куни бир жойда бир бола кўлида бир китоб, бир газални ўқиб турибди:

Ашракат мин акси шамсил къаси анворул худо,

Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чикди садо - деб газални охиригача ўқиди. Нима деганини тушунмасам хам, жонимга каттик таъсир килди. Сўнгида билсам, Навоийнинг “Девони” экан.

Алкисса, кариган отам, ўгай онам бирла мани тутиб туrolмасдан, Чимкент шахрида мударрис Мухаммад Собирхон домла хизматида элтиб кўйди.

Отам йўлда манга деди:

- Ўғлим, сенга уч сўзим бор:

Биринчиси: кайси жойда бўлсанг хам ерда олтин ётса хам олиб, “Бу кимники?” деб эгасига бер.

Иккинчиси: ул ерда хизматингни аяма.

Учинчиси: ўзингдан катта киши иш буюрса, бўйин бурма. Бу сўзларимни кулокка олсанг, хеч ерда хор бўлмайсан, деди.

Алхосил, домлани уйида хам хизмат килиб, хам ўқий бошладим. Кундан-кунга ўқишим олга босиб, хизматим хам ёка бошлади. Отамни насихати бўйича жон аямасдан хизмат килдим. Хам беижозат хеч бир нарсаларига кўл узатмадим. Домланинг ўғил болалари турмай, кариганда кўрган икки ўғли бор экан, 4 ва 6 ёшда. Ман уларни ўйнатиб, кушлар тутиб бериб, хурсанд килган сайин, улар мани ўз огаларидай кўриб, хурмат килган сайин домла хам, рафикаси Мастурахон Эшонхон кизи хам болаларимизнинг огаси, деб шафкат кўзи бирлан бокар эдилар. Келаси йил кизамик чикиб, икки ўғиллари хам вафот этдилар.

Кўп вақт ўтмасдан мани отамдан хабар келди-ки: “бетоб, огир холда”, деб мани огам олиб кетмокчи бўлди. Мастурахон ойим кўзига ёш олиб: “Мабодо отангиз вафот этсалар, огаларингиз сизни юбормасдан кўядилар-да”, - деди. Ман хам йиглаб: “Ойижон, сизларни ташлаб кетмайман”, - деб ваъда бериб кетдим.

Отам бетоб холатда бўлгани учун домла хам кўргани борди. “Менга Абдулхамидни бериб кетинг, ўғил килиб олай”, - деди домла. Отам огаларимга айтди: “Мандан сўнг Абдулхамидни домладан олиб кетманглар”.

Отам вафот этгандан сўнг, Мухаммад Собирхон домла мани уйига олиб кетдилар.

Шундан сўнг мани ўз ўғилларидек кўра бошладилар, хатто, домланинг бирга туғишган,

бир ховлида яшайдиган укаси Мухаммад Зокирхон ҳам, рафикаси Ортигой Ёкубхон кизи ҳам ота - онадай бўлиб турар эдилар.

Шундан сўнг янада ўқишга кизикиб, “Сарф” ва “Нахв” китобларини ўқиб юрганимда, форсий ва арабий китобларни осонрогини топиб, ўзимча ўқиб юрар эдим. Айникса, ёз кунларида болалар дам олишга кетсалар ҳам, ман Саъдийнинг “Бўстон” ва “Гулистон”, Жомийнинг “Бахористон” ва бошқа форсий ва арабий китобларни ўқиб турар эдим. Баёз китобларни топиб, Мукумий ва Фуркат, Абдуллох Авлоний, Абдуллох Алавий, бошқа замона шоирларини шеърларига кизикар эдим. Фузулий ва Навоий девонлари кўз олдимда турар эдилар.

Алқисса, ман камолга етгач, Мухаммад Зокирхон отамиз ёлғиз кизлари Зайнабхонни ўз хошиши бирла манга турмуш ўрток килиб, тўртталовларининг мол - мулкларини мани номимга ўтказдилар. Тўртовлари ҳам хамиша мандан рози бўлиб, вафот этдилар. Уларни ман ўз отам, онам деб хаёл килар эдим. Улар ҳам вафот этаётганларида ҳам мани кўз олдиларидан, ёнларидан кетказмадилар. Ман ҳам хозир улар эсимга тушсалар, йиглаб юбораман, дуолар киламан.

Ман шу сўзларни шунинг учун ҳам ёздим-ки, партия ва ҳукуматимиз канчадан-канча етим болаларни, ота ёки онасиз болаларни махсус уйлар очиб, мактабларда ўқитиб, олий маълумотли килиб, кўлларига хунар ва ишлар беряпдилар. Шу болалар ҳукуматимизга хиёнат қилмасинлар, - дейман.”

Абдулхамид Лузумий

Газаллар, шеърлар, муножотлар...

Абдулхамид Косим ўгли Лузумий

Ё раб, айшим тор этма,

Дўстларга зор этма,

Душманимга хор этма,

Ёмон бирла ёр этма,

Яхшидин безор этма.

Кўнглимда гаминг фош эт,

Тавфикинг манга бош эт,

Шавкингда кўзим ёш эт,

Дард ахлига йўлдош эт,

Бедард ила ёр этма.

Иймон ила фурнур эт,

Ислом ила маъмур эт,

Инсоф ила машхур эт,

Ахлоқ ила манзур эт,

Бадхулкка дучор этма.

Саххату фарогат бер,

Яхши хулку одат бер,

Баркати саноат бер,
Борима каноат бер,
Йўкка интизор этма.
Кўнглимга сафо бергил,
Дардимга шифо бергил,
Дўстларга вафо бергил,
Душманга хаё бергил,
Багримни фикор этма.
Авлодимга баракат бер,
Бахт ила саодат бер,
Илм ила фазилат бер,
Хар бирига давлат бер,
Бир-бирига зор этма.
Султонга адолат бер,
Фукарога рохат бер,
Аглиёга шафкат бер,
Мамлакатга зийнат бер,
Элни бекарор этма.
Халкимга бер осонлиг,
Нарху наво арзонлиг,
Хар жихатдан омонлиг,
Кўрмасинлар ёмонлиг,
Кўнглини кисор этма.
Лузумийга тавфик бер,
Хар сўзига тахкик бер,
Этганига тазвик бер,
Битганига тасдик бер,
Сўзин беэътибор этма.

Заррадин кам тут

Жахонга офтоб бўлсанг, ўзингни заррадин кам тут,
Шиъои шамс бил ёринг, ўзингни акди шабнам тут.
Хамиша тангридин хавфу ражода калтираб тургил,
Каромату макомат ахли бўлсанг ёди балъам тут.
Насаб бирла, хасаб бирла азозилдек хаволанма,
“Заламно Раббано” деб, ажз ила таклиди Одам тут.
Агар хар мастни кўрсанг, анга тан этмагил харгиз,
Ки хар девонани кўрсанг, чу Иброхими Адхам тут.
Агар касдинг била ерда чумолини босиб ўтсанг,
Ани шери Худо билгил, ўзингни ибни Мулжам тут.
Ўтир ахли фазилат бирла, лек изхори фазл этма,
Ўзингни жохили махзу жалисинг ибни Аксам тут.
Талабдин колмагил харгиз ва гар Газзолий шогирдинг,
Ки гар хар ахли фазл ўлса ани Имоми Аъзам тут.
Такабурдин натижа топмагандур хеч бир инсон,

Тавозўъ пеша бўл жоно, мани пандимни маҳкам тут.
Лузумий ер юзидин кетмагинг лозим бўлур бир кун,
Тасаввур бирла ер остидаги холингта мотам тут.
Сибирь йўлида айтилган муножот
Ёраб, ўзингни элдин пинхон килгаи Худосан,
Оламга кудратингни эълон килган Худосан.
Бир хиссасин куруклик, уч хиссасин сув айлаб,
Бу курраи заминни даврон килган Худосан.
Ер юзида яратиб хар турли жониворлар,
Бориға одам ўглин султон килган Худосан.
Дунёда жондорлар айшу хаёти учун,
Ой бирла кун яратиб, рахшон килган Худосан.
Дунёда сувларики бордир киши билолмас,
Кайдин каён буларни жарён килган Худосан.
Махлукларингни ризкин ундиргали денгиздан,
Юкори сув чикориб, борон килган Худосан.
Юлдузларики кўкда хар кечаси яраклар,
Хар бириси бир олам бунён килган Худосан.
Хар канча илм ортса, шунча таажжуб ортар,
Хуш ахлини ўзингга хайрон килган Худосан.
Нух кавми хаддин ошди, айлаб газаб уларга,
Бир лахзада оламини тўфон килган Худосан.
Тогдин улуг, бахайбат ўтин йигиб ёкилган,
Намруд ўтин Халилга бўстон килган Худосан.
Юсуфни соткизиб хам, зиндонга ёткизиб хам,
Охирда Миср элига султон килган Худосан.
Дарёга ташлатиб сўнг онасига кетуртиб,
Мусога душманини посбон килган Худосан.
Каъбага касд килган Асхоби фил хужумин,
Бир тўп кичик куш ила яксон килган Худосан.
Дўстингни душманидан химоя килмак учун,
Фор огзига кабутар дарбон килган Худосан.
Чекмас Лузумий кайгу сургунда юрмагинин,
Хар мушқулини ўзинг осон килган Худосан.

1. Рахшон - форсча - порлок
2. Жарён-а - оким маъносида бўлиб, уни “жараён ” деб хам ўкиш мумкин.
3. Борон-ф - ёмгир
4. Бунён-ф - бино.

Муножот

Эй, Худо кўп гуноҳ килиб келдим,
Хар на кори табоҳ килиб келдим.
Соч-соколим сафид бўлгунча,
Дафтаримни сиёҳ килиб келдим.

Доимо фиск ила бўлиб машгул,
Тоатинг гох-гох килиб келдим.
Нафсимни подшоҳ билиб доим,
Анга ўзим сипоҳ килиб келдим.
Хайр ишига бирор кадам қўймай,
Шар ишин раҳбароҳ килиб келдим.
Энди даргоҳингга килиб тавба,
Кўз ёшимни гувоҳ килиб келдим.
Авф килким кочиб гуноҳимдин,
Раҳматингни паноҳ килиб келдим.
Хох ўт, хох тут иложим йўк,
Ман сани додхоҳ килиб келдим.
Кувма Абдулхамид гадоингни,
Наъраи ё илоҳ килиб келдим.

* * *

Билурсан, хар на килгонимни ё раб,
Кечургил харам исёнимни ё раб.
Ки сандин заррача пинхон ишим йўк,
Билурсан барча пинхонимни ё раб.
Халойик олдида шарманда килма,
Ёшургил айб исёнимни ё раб.
Ўлур чоғимда шайтон фитнасиндин,
Саломат сакла иймонимни ё раб.
Хама килгонима бўлдим пушаймон,
Қабул этгил пушмонимни ё раб.
Йилон бирла чаёнга гўр ичинда,
Насиб этма тану жонимни ё раб.

Иймон ила

Бисмиллохир раҳмонир роҳим
Нахмадука раббим лимо аътайтано нурал Худо.
Ким юбординг Аҳмади - Мухтор отлиг мухтадо .
Мундоғ экан Одаму Хаввога килки кудратинг,
Бир баҳона бирла килдинг эҳбито минхо нидо.
Баъзини килдинг мушарраф лаҳзада иймон ила,
Баъзини бир лаҳзада иймонидин килдинг жудо.
Мўъмину кофир салойи тоатинг айлаб килур,
Қаъбада сўфи нидо-ю, бутхонада нокус садо.
Кимни тўғри йўлга солсанг, кайтаролмас ҳеч ким,
Кимни гумроҳ айласанг топмас валиян муршидо .
Гох каҳру, гох лутф изҳор айлаб кудратинг,
Подшоҳ бўлгай гадо-у, подшоҳ бўлгай гадо.
Даргоҳингда айладинг, аввал азозилни азиз,

Сўнг ўзинг айлаб газаб килдинг анга фахруж нидо.
Яхшиларга кўш Лузумийни агар чанди ёмон,
Ул куниким яхшилар бўлгай ёмонлардин жудо.

Муножот

Ё раб, ўқуб каломинг таъзими том бирла,
Ўпуб кўзимга сурдим юз эхтиром бирла.

Килди кабул хукмин жону дилим баробар,
Ихлоси комил ила сидки тамом бирла.

Махшар кунида шояд айлаб мани шафоат,
Дўзахда куймасам ман ота - онам бирла.

Авлодларимга, ё раб, тавфик¹ бер хидоят.
Дунёда айш килсун рохи кавом бирла.

Бул ерда хамдам айлаб куръон элига, ё раб,
Ул ерда хамрох этгил сухби киром бирла.

Бобо калонларимни, момакалонларимни,
Рахматга хос килгил гуфрони ом бирла.

Сан подшохи аъзам хукмингда йўк шеригинг,
Даргохингга баробар хожа гулом бирла.

Курбингга ким етишгай, маълум эмас кишига,
Бу йўлда курд баробар ибни Хумом бирла.

Афв эт гунохимизни куръонни хурматидин,
Килдим санга василат хайрул калом бирла.

Бизни килиб мушарраф дийдорингга илохим,
Бергил кароргохи дорус салом бирла.

Рад килмагил худоё, хар эрта кеч Лузумий,
Очса кўлин дуога, ажзи тамом бирла.

1. тавфик-ар - мадад. 28

Гумрохман
(Муножот)

Э худоё, кил хидоят бандаи гумрохман,
Кошки бўлсам эдим тавфик ила хамрохман.

Бори умрим зое этдим фиску исёнлар била,
Килмайин куллуқ сани даргохинга, э шох ман.
Соч окариб, тан кариб гумрохлик ортар манга,
Бир дам ўз феъли бадимдин бўлмайин огохман.
Халк аро мандек забун бўлгаймикин тонгла куни,
Килмишимга кўра гар тортсам жазолар охман.
Одам авлодин ичинда хеч ким етмас манга,
Фиск майдонида ўтгай гох иблис, гох ман.
Лек фарк улдирки, ул ноумиду ман умидвор,
Кўтариб дасти таъма фазлинга, ё Аллох, ман.
Килма рад, ё раб, гунохдин бош кўтариб бир замон.
Айласам зори агар даргохинга ногох ман.
Калмаи улёга боглаб эътикодими тамом,
Даст умидим дарозу тоати кўтохман.
Рахматингдин килмагил Абдулхамидни ноумид,
Харна бўлсам уммати Мухаммад Расулуллохман.

Муножот

Ё раб, гунохим беадад, ман йигламай ким йигласин,
Килган ишим бориси бад ман йигламай ким йигласин.
Нафсим учун овораман амринг тутолмай бораман,
Даргохинга юз кораман ман йигламай ким йигласин.
Ёшим гунохлар ахтариб ўтди, бу кун келдим кариб,
Даргохинга хам ёлбориб, ман йигламай ким йигласин.
Умрим бўйи юрдим саёк бўлгай гувохим кўл-оёк,
Гар урсалар ўтлиг таёк, ман йигламай ким йигласин.
Жон олгучи келса агар шайтон солур юз шўрушар,
Хибз этмасанг ўзинг магар, ман йигламай ким йигласин.
Ёрон таним гўрга тикар, рахм этмасанг гар ер сикар,
Бир кун яна гўрдан чикар, ман йигламай ким йигласин.
Кирсам коронгу гўрга мухтож бўлурман нурга,
Лутф этмасанг ёрурга, ман йигламай ким йигласин.
Мункар - накр кирса шитоб, дининг на деб, килса хитоб,
Беролмасам тўгри жавоб, ман йигламай ким йигласин.
Олдимда кўпдир тоғлар, йўллар узок тайгоқлар,
Бир-бирга бокмас чоғлар ман йигламай ким йигласин.
Махшарда эллик минг йил музтар бўлиб тургайлар эл,
Ёраб ўзинг килгил енгил, ман йигламай ким йигласин.
Бокмас ота ўглига хам хар кимни ўз бошида гам,
Гар килмасанг ўзинг карам, ман йигламай ким йигласин.
Дерлар хамма во хасрато Нуху Халил, Одам ато,
Хазрат дегай во умматом, ман йигламай ким йигласин.
Ул кун манга ул хазратим солса назар хуш давлатим,
Йўк деса сандек умматим, ман йигламай ким йигласин.
Ул кунда эл икки фарик бўлгай анга икки тарик,

Кай бириман билмам аник, ман йигламай ким йигласин.
Ул кун таниглик Жулм эли пешонасидин белгили,
Бўйнига богларлар гули, ман йигламай ким йигласин.
Ёраб Лузумий ёрлиг, сандин тилар гамхорлик,
Гар килмасанг гаффорлиг, ман йигламай ким йигласин!

Оч йўлим, ё раб!

Оч йўлим ё раб ўзинг то излайин ман ёрни,
Хазратига юзланиб тарк айлайин агёрни.
Хар кадамда бодаи шавкин ичирким маст бўлиб,
Билмайин гулдин оёгимга кадалган хорни¹.
Ман жунун бозорида кўлга тутиб синган сапол,
Бир кадах майга сотай номус бирла орни.
Равза тупрогин кўзимга сургали ман зорман,
Кўймагил бу музтариб ахвол ила ман зорни.
Нияту хижрат килиб кетсам диёру ёрдан,
Хотиримдин махви кил фикри диёру ёрни.
Аввало килсам тавоби каъба жону дил била,
Сўнг зиёрат айласам хар жойи файз осорни.
Маккадин то равзага боргунча оху зор ила,
Хар кадам жойига сурсам бул каро рухсорни .
Ман Хиро тогига бориб кўзларимдин ёш тўкиб,
Кўрсам эдим Ахмади Мухтор кирган горни.
Гор огзида ётиб китмир янглиг йигласам,
Ўкиб - ўкиб Сония иснайн из хумо пилгорни.
Ул Ухуд тогида кон тўккан шахидлар бошида,
Тўксам эдим катра-катра ашки оташ борни.
Сўнг Мадина шахрига бориб юриб бошим билан,
Кошки килсам зиёрат Ахмади Мухторни.
Гох Макка, гох Мадина шахрида манзил тутиб,
Каъба завки, равза шавки бузса истикрорни.
Ман бу гурбат бирла кайси чўлда колсам яхширок,
Лойики баъки демам Лузумий бадкорни.

Бечорадурман

Худоё, бандаи бечорадурман,
Хамиша нафс ила оворадурман.
Килолмай амрингни мингдин бирини,
Навохийни борига борадурман.
Деса эл тоатим килгил кабул, ман
Гунохим кеч деб ёлборадурман.
Худоё саклагайсан дўзахингдин,
Бихиштинг сўрголи юз корадурман.
Агар гаффорлигинг айни муродим,

Ва гар каххорлигинг бечорадурман.
Хама даргохингга тоат кетурса,
Мани мискин курук кўл борадурман.

Гунохимни

Юрагим калтирар гар эсласам килган гунохимни,
Вале таскин этарман ёд этиб фазли илохимни.
Гувохим кўл оёгим бўлса хам кандаг килур мардуд,
Мани “лотакнату минрахматилло”дек гувохимни.
Гунохимни бари маълум анга, аммо бирин очмас,
Килур шарманда дўстлар билса мингдин бир гунохимни.
Мани кори табохимдин ўзим шармим келур ё раб.
Эсиз табъим начук севган ўшал кори табохимни.
Ўшандог русиёхман ёпмасанг гар пардаи афвинг,
Килур махшар эли нафрат кўриб рўйи сиёхимни.
Кўйиб сан бошима лутф ила мўминлиг кулохини,
Умидим шулки олмайсан, бошимдан бу кулохимни.
Лузумий, подишоҳлар берганини кайтиб олмайдур,
Гумоним йўкки, олгай деб хакикий подишохимни.

Мухаммас

Ох ким, ёшу кари багрин фикор этган ўлим,
Колдириб тупрок аро беихтиёр этган ўлим.
Не азиз бошларни ер остида хор этган ўлим,
Танларини тўъмаи хар мўру мор этган ўлим.
Даф этарга чораси йўк бемадор этган ўлим.
Зулм элидек хар тарафга тўп-тўп аскар тўкмайин,
Хастайи бечорага жаллод янглиг чўкмайин.
Бош кесилмай, ич ёрилмай жома чокин сўкмайин,
Тигсиз, ўксиз кишини катра конин тўкмайин,
Ўлдириб ўз кудратини ошкор этган ўлим.
Аввалу охир ўтибдур канча бир сохиб замон,
Файласуф, доно хакимлар чоралар килди хамон.
Дори - дармон топдилар хар дардга аммо бегумон,
Хеч кутулган йўк ўлим чангалидин яхши-ёмон,
Шер янглигларни чун тулки шикор этган ўлим.
Тугдириб дунёда аввал канча кунлар кулдириб,
Шодлиг бирла кўнгиллар косасини тўлдириб.
Гунчадек очилмайин дасти казодан юлдириб,
Жондин ортик нозанин ёшларни охир ўлдириб,
Йиглатиб ота-онасин зор-зор этган ўлим.
Фойдаси йўк айламак юз минг фиғону охни,
Кайтарилмас карвони харгиз ушбу рохни,
Халк аро манманлик этган канча золим шохни,

Халк кони бирла тузган анча ишратгохни,
Хонадону хонумонин тор-мор этган ўлим.
Нав жувонлар коматин бори казодин толдириб,
Гардани узра ажал сайёдига дом солдириб.
Илгидин барча инону ихтиёрин олдириб,
Канчаларни ўлдириб, авлодларин ёш колдириб.
Зорлатиб хар бир кишига интизор этган ўлим.
Шўр кўп чекдим, ўлимдек шўр нарса кўрмадим,
Эл кўзига бу сифат мастур нарса кўрмадим.
Лек мундог маълуму машхур нарса кўрмадим,
Эй Лузумий, ман ўлимдек зўр нарса кўрмадим.
Хар каю хозик табибни бедимор этган ўлим.

Шурух

Турли тилда турли лафз ила бўлур отинг шурух ,
Араб Аллох, форс Яздон, турк Тангри, рус Бўх.
Турфа Холиксан, кўрунмай элга килдинг ошкор,
Кудратинг сувдин ясаб суврат кесакка берди рух.
Кўкдин иссик - совук ёмгур ила таъмин этиб,
Халкни ризки учун ер куррасин килдинг сутух.
Ерда турлук ганж пайдо килдинг эл хожатига,
Хар замон ахли килур ўз жахдича кашфу футух.
Хар хил ашжорлар яратиб, мевалар бердинг анга,
Таъмухо гайри шабихин рихухо мискун йафух.
Неъматинг шукрин килолмас хеч ким гар бор анга,
Савми Довуд, сабри Айюб, ашки Яхъё, умри Нух.
Чикмас эрди бу сифат сўзлар Лузумий табъидин,
Бўлмасайди фазлу лутфингдин анга файзу футух.

Муножот

Худоё, дардима ўзинг шифо бер,
Белимга кувват, кўнглимга сафо бер.
Хама аъзоларимни сог килгил,
Тилимга нутку, кўзимга зиё бер.
Оёгу кўлларим килгил саломат,
Кулогу бошима акли расо бер.
Манга жуфт этдинг ўзинг Ойжамолни,
Манга бер умру саххат, хам анга бер.
Узок тунларда уйкудин кечиб ул,
Мани дардимга бокди хак анга бер.
Неча йил сенга шукр айлаб яшайлик,
Ани хам дардига ўзинг шифо бер.
Дуога очса кўл Абдулхамидинг,
Дер “омин” Ойжамол, рахмат анга бер.
Шерикдир ўгли Ахмаджон дуога,
Кичикдур бегунох, химмат анга бер.

Хамма авлодларим умрин узун кил,
Барига илм бахти бебахо бер.

Сани

Шох бўлу мох бўл ер остидур жойинг сани,
Айланур мотамга бу тўю томошойинг сани.
Бир коронгу гўрда ёлгиз ётурсан эрта кеч,
Кўргали холинг келолмас даданг-у ойинг сани.
Эй, коши кундуз, кўзи оху, дариго бир куни,
Тўкилур ер остида зулфи суман сойинг сани.
Булбуло, чекма фиғон беҳуда бу гуллар учун,
Сўлдирур боди хазон охир бу раънойинг сани.
Давлату икболингга фахр этма, эй шохи жахон,
Айланур навбат билан чун бода паймойинг сани.
Эй Лузумий, колмагайсан ер юзида окибат,
Йўк ажаб колдирса ҳақ ёзган бу иншойинг сани.

Сибирда айтилган муножот

Эй кўнгил, кўклам чикиб ўтлар кўкарди бок - бок,
Гул очилди тоғ аро кизил - кизил ҳам ок - ок.
Хар тараф хар кайси куш ўз кўйига айлар наво,
Бир тараф булбул фиғону бир тараф зог гок - гок.
Кўкда турналар учарлар нагма чолиб ку - ку,
Тогда каклик кичкирурлар бир - бирига кок - кок.
Шод эмас бир жонивор йўқдирки, хатто сувга бок,
Балик ўйнар шўлп - шўлпу, бака сўйлар вок - вок.
Ҳам учарлар, ҳам кўнарлар, ҳам сузарлар сув уза,
Гозу ўрдак шодликдин кичкиришиб жог - жог.
Ўйнашурлар, куйлашурлар жониворлар жуфт - жуфт,
Зайнаб элда, мен Сибирда йиглашурмиз ток - ток.
Эй худо, колдик жудолик кечасида зор - зор,
Лутф этиб вуслат чарогин ўртамизга ёк - ёк.
Эй Лузумий, йиглама яхши - ёмон иш тангридин,
Йўк ажаб, бўлса карам, бир кун куларсан чок - чок.
Ла илоха иллоллох
Эй кўнгил бўлиб огох,
Дилга тил килиб хамрох.
Сидк бирла эт хар гох,
Ла илоха иллоллох.
Калималар улуги,
Иймон ислом уруги.
Мусулмонларнинг туги,
Ла илоха иллоллох.
Тилда тотлиг мавзуни,

Жонга рохат мазмуни.
Гунохларни совуни,
Ла илоха иллоллох.
Тилни лагудин саклар,
Каро кўнгилни оклар.
Шайтонларни таёклар,
Ла илоха иллоллох.
Мўминларни дилхохи,
Гўр ичинда хамрохи.
Махшар куни гувохи,
Ла илоха иллоллох.
Абдулхамид, икрор эт,
Тасдик анга ёр эт.
Хар эрта - кеч такрор эт,
Ла илоха иллоллох.

Наъти наби
Дилимда меҳри маҳруи Мухаммади Расулуллох,
Тилимда зикри хушхўи Мухаммади Расулуллох.
Сахарда уйғониб кирсам чаманга файзи ҳақ бирла,
Димогимга кирар бўйи Мухаммади Расулуллох.
Карам бирла насиб этса илоҳим завки - шавк ила,
Кани килсам сафар сўи Мухаммади Расулуллох.
Сочиб ёшим супурсам кирпик ила шукрлар айлаб,
Мадина шаҳрида кўйи Мухаммади Расулуллох.
Неча бор уйқуда кўрдим жамолини ажаб йўқким,
Кўролсам тонгла кун рўи Мухаммади Расулуллох.
Бўлиб махшарда мухтожи шафоат зор-зор йиглаб,
Хама эл айлар орзўйи Мухаммади Расулуллох.
Киёматда каро юзинг Лузумий тангри қошида,
Ажаб йўқ ювса обрўи Мухаммади Расулуллох.

Шафоат, ё Расулуллох
Гунохкор умматингман, кил шафоат, ё Расулуллох,
Агарчи килмадим комил итоат, ё Расулуллох.
Ва лекин меҳри ҳақдин сўнгра меҳринг жонима жондур,
Манга йўқ бундин ўзга ҳеч бизоат , ё Расулуллох.
Чунон расво эрурманким, вужудимдин бўлур зохир,
Гунох узра гунох соат ба соат, ё Расулуллох.
Умидимдир шафоатдин агар чандики дерлар ким,
Ололмас хосил ул экмас зироат, ё Расулуллох.
Демишсанким, шафоат айларам аҳли кабоирни,
Сахоба килдилар сандин ривоят, ё Расулуллох.
Бунга фаҳр айларам ким бўлмишам аҳли кабоирдин,
Агарчи бўлмадим ман аҳли тоат, ё Расулуллох.
Кани сурсам каро юзим муборак остонингга,

Бериб тангрим манга бул иститоат , ё Расулulloх.
Лузумий арз этар ўз эхтиёжини умид айлаб,
Иноят хакдину, сандин шафоат, ё Расулulloх.

* * *

Дилимда мехри махрўйи Мухаммад,
Тилимда зикри хушхўйи Мухаммад.
Сахарда уйгониб кирсам чаманга,
Димогимга келур бўйи Мухаммад.
Карам бирла насиб этса илохим,
Кани килсам сафар сўйи Мухаммад.
Сочиб ёшим супурсам киприк ила,
Мадина шахрида кўйи Мухаммад.
Неча бор уйкуда кўрдум ажаб йук,
Кўролсам тонгла кун рўйи Мухаммад.
Бўлуб махшарда мухтожи шафоат,
Хама эл айлар орзуи Мухаммад.
Киёмат кун каро юзунг Лузумий,
Ажаб йўк ювса обрўйи Мухаммад.

Наъти наби

Зихи пайгамбари шаккар забонсан, ё Расулulloх,
Хадисинг жон каби жонимга жонсан, ё Расулulloх.
Отам бирла онам санга фидо бўлсин ки умматга,
Ота бирла онадин мехрибонсан, ё Расулulloх.
Сўзингни хар бири дурри саминдур ахли маънига,
Басохатда балогатда ягонасан, ё Расулulloх.
Етимликда етимлик бўлди илминг кўрмайин мактаб,
Ки сан алломайи мўъжиз баёнсан, ё Расулulloх.
Хама дунё эли санга итоат килмоги лозим,
Ки сан пайгамбари охир замонсан, ё Расулulloх.
Тенг олмас хеч пайгамбар санингла курби рибъатда,
Ки сан ул тоири арши ошиёнсан, ё Расулulloх.
Лузумий таъбига кувват бўлур наътинг фуюзидан ,
Лузумий тўти, сан шакарзабонсан, ё Расулulloх.

Наъти наби

Расулulloх сўзининг бори чиндур,
Гувохи тангри “раббил оламиндур”.
Лабидин чикмаган беҳуда сўз хеч,
Сўзини хар бири дурри саминдур.
Хиёнат бўлмаган содир кичикдин,
Деганлар эл Мухаммади аминдур.

Хама динни килибдур дини мансух¹,
Ки хак наздида дини ислом диндур.
Ўзича килмаган бир хукми харгиз,
Хамиша олдида Жибриламиндур.
Умид айлар хама андин шафоат,
Нечунким “рахматан лиллоламин” дур.
Лузумий фахр этар умматлигига,
Агарчи уммат ичра камтариндур.

Муштокман

Ё Расулulloх, жамолинг кўргали муштокман,
Остонанга юзимни сургали муштокман.
Кўксима илгим кўйиб таъзим ила айлаб салом,
Равзаи покинда йиглаб тургали муштокман.
Хам Абубакру Умарга сидк ила айлаб салом,
Сўнг Бакеъ¹ бориб ёшим октургали муштокман.
Гох Макка, гох Мадина чўлида жавлон килиб,
Завки шавкинг бирла жон топширгали муштокман.
Дер Лузумий, лойики Бакеъ эмас, жисмим мани,
Они кайси даштда колдиргали муштокман.
Ё рахматан лил оламин, чекдинг мудом уммат гамин,
Баъсадгача эл дедилар отинг Мухаммади амин.
Эй, саййиди олий насаб, сандин шараф топти араб,
Олам олур сандан адаб, хар бир сўзинг дурри самин.
Мусо килибдур орзу, Исо килибдур гуфтигў,
Тавроту инжил жустижў, таърифу тавсифинг хамин.
Хакдин келиб куръон санга, бурхони олий шон санга,
Таълим учун хар он санга “икраъ” деди Жибрил амин.
Сансан расули - инсу жон, пайгамбари охир замон,
Кўнглимда йўк зарра гумон, хак бирла айларман ямин.
Равзангни кўрсам кошки, йиглаб югурсам кошки,
Сахнин супурсам кошки, киприк била сочиб намин.
Шод эт шафоатгар бўлуб, махшар куни музтар¹ бўлиб,
Турсам сўкуру кар бўлуб, чекиб гунохим мотамин.
Осий Лузумий, ё расул, ўз феълидин доим маълум,
Умматлигин килгил кабул, ё рахматан лил оламин.
Эрурман жисму жоним бирла муштоки расулulloх,
Кўзимга сурма килсам, кошки тупроки, расулulloх.
Камоли иштиёкиндан хамиша шавки завк ила,
Этарман халк ичинда васфи ахлоки расулulloх.
Киёмат офтобин иссигидин сакласанг, ё раб,
Бошимда соябоним бўлса байроки расулulloх.
Киёмат кун бўлур маълум ани ортиклиги элга,
Набилар филмасал сут бўлса, каймоки расулulloх.
Рисолат богини нозик ниhoли Фотима шохи,

Хасан бирла Хусайндур икки яфроки расулulloх.
Хама мўъмин кўзини нури десам лойик-у лозим,
Нечунким иккисидур нури ахлоки расулulloх.
Расулulloх дединг, кимдур десалар, эй Лузумий, айт,
Мухаммад хазратига, колди итлоки, расулulloх.

* * *

Зихи шохи курайши Хошимий дерлар насаб анга,
Ажам хукмига мункоду мутиъ бўлди араб анга.
Мухаммад ибн Абдуллохдур оти етим бўлуб,
Дабистони хакикатда берилгандур адаб анга.
Кичикдин хосият кўб кўрунур эрди кудум идин,
Курук хурмо дарахти кўкариб битти рутаб анга.
Нубувват офтоби жабхасида кўринур эрди,
Начук токат килолсун кўршапардек бу лахаб анга.
Хаммадин илгари тангри яратиб сўнг юборибдур,
Ки динин то киёмат колмоги дерлар сабаб анга.
Юзи ойинаи ибрат дили ганжинаи кудрат,
Сўзини бориси хикмат, харом беҳуда гап анга.
Хама ўтган набилар орзу килмиш жамолини,
Масихо мужда лаб элга-у, Мусо ташна лаб анга.
Муяссар бўлса, ё раб, кошки ул шохни курби,
Караб даргохида турсам итидек эркалаб анга.
Шафоат чоги ёд эт, ё расулulloх, бу осийни,
Оти Абдулхамид, лекин Лузумийдур лакаб анга.

Алкоби чориёр

Ёшлигдин Мустафога ёр бўлган бу Бакир,
Мустафо ёнида харбор бор бўлган бу Бакир.
Афзали уммат имомун муттакий Сиддик лакаб,
Харна этса Мустафо икрор бўлган бу Бакир.
Ахли тарих, ахли тафсир бориси бил иттифок,
Сонияснайн из хумо филгор бўлган бу Бакир.
Мустафодин сўнгра Асхоб иттифок айлаб анга,
Жонишини Ахмади Мухтор бўлган бу Бакир.
Ўн ердин харб очилди зўр душман эрдилар,
Гайрат айлаб борига тайёр бўлган бу Бакир.
Олтмиш уч ёшида ул жонин бахак таслим этиб,
Жаннатул фирдавсга сайёр бўлган бу Бакир.

* * *

Аввали бу жахл ила ўзини ёр этган Умар,
Мустафо бошин олурни ихтиёр этган Умар.

Илгига олиб килич, йўлда килиб юз дагдага,
Мустафо олдига келгач, жон нисор этган Умар.
Шул замон иймон кетуриб бетаваккуф' Каъбада,
Синдириб бутлар, азонни ошкор этган Умар.
Ахли хижратлар Мадина сори яшрин² кўчсалар,
Кўчмагини барча элга иштихор³ этган Умар.
Кўп вилоятлар ани фармони бирла фатх ўлиб,
Рум ила Форс аскарини тор - мор этган Умар.
Бу Бакирдан сўнг халофат маснадида⁴ ўлтируб.
Элга хукмин адл ила лайлу нахор этган Умар.
Сухбатидин маст бўлиб иймон ила Рум - элчиси,
Хизматидин кетмайин тарки диёр этган Умар.
Хутбада “ё Сория” деб кичкириб Мадинада,
Форс ерида сорияни баркарор этган Умар.
Кул хукукин зое этмасдин Фаластин йўлида,
Гох ўзи, гохи кулин тева сувор этган Умар.
Олтмиш уч ёшда шаходат⁵ шарбатини нўш этиб,
Азми жазми равзаи дорул карор этган Умар.
Офарин, юз офарин бирла Лузумий завк ила,
Васфини тарихлардин ихтисор⁶ этган Умар.

* * *

Сохиби хилму хаё Усмони зуннурайн эрур,
Маъдани илму зако Усмони зуннурайн эрур.
Мустафога байъат¹ этгач ўнг кўлини саклаган,
Авратидин доимо Усмони зуннурайн эрур.
Мустафони икки нури чашми бирла жуфт ўлиб,
Мустафо бўлган ризо Усмони зуннурайн эрур.
Вакф килган гозиларга беш юз оту туя,
Махзани жуду² сахо³ Усмони зуннурайн эрур.
Шунча моли бирла анга йўк хисоби тонгла кун,
Дедилар хак Мустафо Усмони зуннурайн эрур.
Ул Умардин сўнг хилофат маснадида ўлтуруб,
Элга бўлган муктадо⁴ Усмони зуннурайн эрур.
Эй Лузумий, ою йил тарихлардин сўйласанг,
Васфини бўлмас адо Усмони зуннурайн эрур.
Ёшлигдин куфр ахлидин жудо бўлган Али,
Даст парварди Мухаммад Мустафо бўлган Али.
Лайлатул хижрат Расулуллох фирошида ётиб,
Мустафога жони дил бирла фидо бўлган Али.
Етти ток узра малоиклар никох эълон этиб,
Жуфти поки Фотима хайруннисо бўлган Али.
Бадр жангида биринчи дафъа эрлик кўрсатуб,
Душманини тулки килиб шери худо бўлган Али.
Жанг майдонида доим хасмига голиб бўлиб,
Шаънида ворид хадиси лопато бўлган Али.

Мустафодин газваи Хайбарда “қаррор” исм олиб,
Лашкари исломга сохиб ливо бўлган Али.
Тавкаи дарвозаси хандак уза кўприк бўлиб,
Илгидин иккинчиси бир ўзга жо бўлган Али.
Олтмиш уч ёшда шаходат шарбатини нўш этиб,
Хукми ҳақдин азими дорул бако бўлган Али.

Шогирдиман

Ёшлиқдин кувиблар ишқини дард парвардиман,
Одат этдим дард ила гўёки хублар дардиман.
Кайда кўрсам бир гўзал ёрим жамолин эслатур,
Онинг учун хар гўзал кўрсам жамолин гардиман.
Мубталои ишқман олам билур расволигим,
Дард ахли хомушу бедардларни вирди'ман.
Халқаро расволигим соат ба соат ортигур,
Гарчи расво кўп вале расволар ичра пардиман.
Манга расволик йўлин хардам Фузулий кўрсатур,
Кеча-кундуз ман ани хамсухбату хамдардиман.
Гар Навоийни манга устоз десам ёлгон эмас,
Яъни ман шогирдини шогирдини шогирдиман.
Ишқда эл таънига сабр айламак мардлар иши,
Эй Лузумий, рост айтсам ман бу йўлни мардиман.

Фузулий газалига мухаммас

Зихи¹ маъшуқи яктосан шажардан² то хажар³ ошиқ,
Дагул танҳо малак шайдо эмас ёлғиз башар ошиқ.
Сочинг сунбул севар сарви равон колдинг камар ошиқ,
Ўлур рухсоринга кун лаълинга гул барг этар ошиқ.
Санга ўксик да гул кўқдан энар ердан битар ошиқ.
Кетиб хушим танимдан ўлди гўёки тани хуснинг,
Керакмас ўзга равшан они севган равшани хуснинг.
Чекар кўнглим фиғонлар ҳам чи булбул гулшани хуснинг,
Банга махсуд тарқи ишқ эди ваҳ ким бани хуснинг,
Ўлиб кун-кундан афзун килди кун-кундан батар ошиқ.
Капунги ёстанурдин хайру шар⁴ ахлини ман этма,
Ки хони илтифотингдан гузар ахлини ман этма.
Умидин касма лутфингдан башар ахлини ман этма.
Томошаи жамолингдан назар ахлини ман этма.
На суд⁵ ул хуб юздан ким анга килмас назар ошиқ.
Бани бир жилва бирла айласанг шому сахар хуррам,
Кани килсанг бани кулбам сари айлаб гузар хуррам.
Оёгинг тупроги етса банга бан ул қадар хуррам,
Чаманда пой бўсангдан ўлибдур сабзалар хуррам.
Хамон бир сабзача ўлмоги оламда етар ошиқ.
Кул ўлдим чора йўқ зулфинг банга таҳдуқда, э золим,

Ичу тошим ёнур сан ишк ўтин ёкдукда, э золим.
Кулурсан кўзларимдан конли ёш окдукда, э золим,
Килурсан бинг жигар кон хар ёнга боктукда, э золим,
На бокмокдур бу хар дам хондан олсин бир жигар ошик.
Сани зулмингдин, э дилбар, киши йўқдирки кон ютмас,
Ки йўқдир сандан устунким, на килсанг хеч ким кутмас.
Ки чўхтур зулм эли, аммо ки сандин хеч ким ўтмас,
Кирарсан ахли ишки дуталам кимса алинг дутмас,
На ишдир бу керакмазми санга, э симбар, ошик.
Лузумий, юз алам чексанг бирин фoš этма хамроха,
Хама дарду гаминг хар эрта-кеч маълумдир ул моха.
Хамиша сабр - токат кил агарчи солсалар чоха,
На парвона дурар бир шуълая на шамъи бир оха,
Фузулий сонмаким бинг зар санга оламда хар ошик.

Фузулий газалига мухаммас

Коматингтак сарви юзингтак гули гулзор йўх,
Дилбаро дунёда сантак бир гўзал дилдор йўх.
Дилрабо чўхдир вале сантак сучук гуфтор йўх,
Лабларингтак лаълу, лафзингтак дури шахвар йўх,
Лаълу гавхар чўх лабингтак лаъли гавхар бор йўх.
Аввал обрўнгдан ўзинг кўксима отдинг ўктию,
Сўнгра лутфинг банга озу ўзгаларга чўхдию,
Хони васлингдан бани бечора оч эл тўхдию,
Сандан этман дод, жавринг вор мехринг йўхдию,
Масти завки шавкинг хам бирдур ёнимда вор, йўх.
Ўртанур душман агар эшитса охи сардимиди,
Рахм килмассан кўриб хар лахза рўи зардимиди.
Килмасанг ўзинг иложин дарди дил парвардимиди,
Кима изхор айлаям билман бу пинхон дардимиди,
Вор юз бинг дарди пинхон, кудрати изхор йўх.
Кима давлат кўнса анга хизмат этмиш олами,
Беваю бечорага кам шафкат этмиш олами,
Кони ибратдир жахон беибрат этмиш олами,
Дахр сармасти шароби гафлат этмиш олами,
Бунча сармастинг томошасина бир хушёр йўх.
Хох яхши, хох ёмон хар кимса машгули амал,
Маълум ўлмас кимса мардуд кимса макбули амал.
Кетма ўздан ўлма гўё кимса мавсуми амал,
Халки мадхуш айламиш хоби шаби тули амал,
Субхи тахкики аломатина бир бедор йўх.
Котиби заррин каламлар йўх деман кошонада,
Кокили печида хамлар йўх деман жононада.
Сокии жоми ситамлар йўх деман майхонада,
Сурати зебо санамлар йўх деман бутхонада,

Вор чўх, аммо санга бинг зар бути хунхор йўх.
Шўх чашмим бери десам, бори хо нори ўлур,
Шафкати ўлсин десам, бил акси озори ўлур,
Эй Лузумий, гурбат ахлин кимса йўх ёри ўлур,
Эй Фузулий, сахлидур хар гамки гамхори ўлур,
Гам будирким, банда бинг гам вор, бир гамхори йўх.

Фузулий газалига мухаммас

Харчанди ёр йирокда бўйи димогда фоех,
Фикрим анга ситойиш , зикрим анга мадоех,
Шавки тамом бирла ўл ул диёра соех,
Ул мушкибў гизола ихлогим айла лоех,
Баллиг сабо саламан миски ятар равоех.
Сайр айлаюб манозил, тайр айлаюб марохил,
Хох бахру, хох сохил хеч ерда дутма манзил,
Жахдингги айла комил, махсудинг ўлса хосил.
Ўлгач хабиба восил бандан хам ўлма гофил,
Лотакда ир расоил латактумус сапоех.
Фурсат топиб замони ўлса насиб ёни,
Охиста бан гадони холимдан эт баёни.
Бу киска достони хардам кўринур они,
Юзда сиришки кони сўйлар гами нохони,
Кат тазхарул маони калхатти фил лавоех.
Багринда доги пинхон хардам кўзим дўкар кон,
Гар чексам оху афгон айб этмас ахли ирфон,
Йўх боки этса нодон эл ёри бирла хамхон,
Бан мубталои хижрон бандан йирог жонон,
Вал умру кайфа мокон мислар риёхи роех.
Этмас Лузумий хеч ер тан этса ёру агёр,
Зулфин кўриб баякбор ўлди анга гирифтор,
Богланди чора ночор бехуда сўз надаркор.
Ишкин Фузулий зор тарк этмак ўлди душвор,
Ё орифо, бимосор ло туксирин носоех.
Навоий газалига мухаммас
Хама пасту баландга хукми доро,
Бўлиб хукминг равон парвардигоро,
Хама сандин тилар хожат бароро,
Илохо, подшохо, кирдикоро,
Очук санга ниҳону ошкоро.
Агарчи яхшига бўлсанг тавалли,
Эмас ноумид сандан журм1 ахли.
Гофур отинг била берсанг тасалли,
Собур исми била килсанг тажалли,
Килиб намрудга юз минг сироро.
Хама оламга сан султони акбар,

Жахон султонлари наздингда чокар,
Фуломи камтаринингдур Скандар,
Йўлинг тоши эрур ёкуту ахмар,
Эшигинг тийра гарди мушкисоро.
Худовандо, ўзингсан моликул мулк,
Бировга лутф килсанг тўтиюл мулк,
Бўлур гарчи факир ул сохибул мулк,
Качонким зохир этсанг танжаул мулк,
Скандарни бўлуб маглуби Доро.
Каю мискин топар ёнингда толе,
Берур ер хони эхсонингда толе,
Бўлур чун ой айвонингда толе,
Сухо бўлса шабистонингда толе,
Бўлур юзи куёшдек оламаро.
Хуш ул ким яхшилик отига колмиш,
На ул ким дахр офатига колмиш,
Лузумий хирс шахватига колмиш,
Навоий нафс зулматига колмиш,
Сен ўлмаи хизрира чикмокни ёро.
Икковини тили йўк узр этарга,
Гунохдин ўзга йўк олиб кетарга,
Савоби йўк сахифага битарга,
Киёмат кун гунохин авф этарга,
Расулингни шафиъ эт кирдикоро.

Бирла тенг

Ниятинг гар тўгри бўлса, шапка дастор бирла тенг,
Ниятинг гар эGRIDур тасбех зиннор бирла тенг.
Хар кишига сурати бирла бахо бермак хато,
Рангда бир бўлса хам балик эмас мор бирла тенг.
Зоҳиди худбин ўзин ринд ахлидин ортик билур,
Ким дегай канду навои маънида муз кор бирла тенг.
Ким ўзин тутса улуг бўлгай кичиклардин кичик,
Тог улуг тоши эмас дарёда дурбор бирла тенг.
Эй Лузумий, кўшма шоирлар каторига ўзинг,
Ким эмас чумчук сайд этмакда шункор бирла тенг.

Эй кўнгил

Эй кўнгил, биз одамилар боримиз ер ошидур,
Одамилар конидин тўлган ичу хам тошидур.
Хар чечак гулзор ичинда бир шахидни конидур,
Хар кесак девор ичинда бир азизни бошидур.
Во дариг, юшок тўшакда ухлаган нозик бадан,
Окибат ер остида ётиб чирур ёнбошидур.
Фарк этиб бўлмаиди биллохил азим хар иккисин,
Ётган ул тупрок аро кулдирми ё бек тошидур,

Бул жахон дарвозасидин хар киши ёлгиз кетар,
Лек килган яхшилик ул бандани йўлдошидур.
Дахр богини хакикий бир гули йўк тутгали,
Имтихон учун бу ранг берган казо наккошидур.
Эй Лузумий, хеч ким колмас мухаллад дахрида,
Билмадимким на учун элни уруш толошидур.

Вайрона

Бул жахон маъмураси маънида бир вайронадур,
Хар кунни минг-минг киши ўлгайки, мотамхонадур.
Кеча-кундуз тинмайин ёшу-кари демай тутар.
Ул ўлимни сокиси илгида минг паймонадур,
Ёшга навбат, ё карига хеч кима маълум эмас,
Ичганин билмай колур мажхул бир майхонадур.
Шунчалик хол бирла йўк бир-бирга шафкат халкда,
Киз - она, ога - ини, ўгил отадан тонадур,
Бир - бирига меҳрибон бўлиб яшашни ўрнига,
Эл хусуматлар килиб бир-бирига ташланадур.
Ер юзини талашуб бир - бирларини ўлтирур.
Во ажабким, бори хам ер остига жойланадур.
Эй Лузумий, оч кўзинг дунёга ибрат бирла бок,
Ибрат олган кимсага дунё бир ибратхонадур!

Охиста - охиста

Ўтиргил ёнима эй гул бадан охиста-охиста,
Кулок тут айтайин бир оз сухан охиста-охиста.
Бўлиб мағрури хусн этма жафо ошикка ким сандин,
Ечилур йиртилиб бу пирохан охиста-охиста,
Киёс эт холингга холи чамандан ким камолига,
Етишгач ўзгарур рангги чаман охиста-охиста.
Ўтиб гул мавсуми вақти хазон етгач, гулистондан
Кетар булбул, келиб зогу зогон охиста-охиста.
Лаби гунча, юзи гул, зулфи сумбул сарв коматлар,
Кариб жисми бўлур охир тикан охиста-охиста.
Ечиб нозик бадандан шойи атласларни ўлган сўнг,
Кўмарлар кийдириб бўздин кафан охиста-охиста.
Санга ман, манга сан меҳмон бўлайлик эхтиром ила,
Бу бог ичра на сан, колгум на ман охиста-охиста.
Мани сан, ё сани ман кўмгали навбат бўлур шаксиз,
Килиб хар иккимиз тарки ватан охиста-охиста.
Лузумий бирла иккинг айрилурсан бир-бирингданким,
Тутиб бир ўзга гўр, ўзга кафан охиста-охиста.

Устина

Ишк келтурган бало етмасму Фарход устина,
Келтирур Хисрав анга бедод - бедод устина.

Касд этар котил кўзинг кўнглим харобин гўё,
Горад этмакка халоку келди Багдод устина.
На гунохим бор эканким, катлима омодадур,
Кошу кўзинг гўё жаллод - жаллод устина.
Ишк тушгач кўнглима бўлди паришон аклу хуш,
Келса гар топмас кочар ер сайд сайёд устина.
Ишкдин багрим куйиб то субхи фарёд айларам,
Демадинг кимдур деган фарёд - фарёд устина.
Иштиёкинда Лузумий ўйла бесабру карор,
Гўё истар санга учмок миниб бод устина.
Тошкентдаги ошноларга салом
Тошкент бориб сабо, эт ошноларга салом,
Кон котишмай, жон котишган акраболарга салом.
Гар тиши тушган, окарган сочлари ранг ўзгариб,
Хусни хулк ила безалган дилраболарга салом.
Сўзлари дард ахлига доридин ортикрок шифо,
Дардмандлардин ўшал сохибшифоларга салом.
Ўртада ёлгиз мухаббат, ўзга йўқдир муддао,
Диллари ойнадек ахли сафоларга салом.
Катталар бизга ака бўлса, кичиклардир ука,
Колмасин ҳеч бир киши ака - укаларга салом.
Биз учун хизмат килиб ошлар пиширган югуриб,
Соф дил бирла ўшал синглу опаларга салом.
Чун Лузумийни саломини етурсанг бориға,
Сўнг алардин ҳам кетур биз бенаволарга салом.

Мавлоно Хабибийга

Тилагим эрта - кеч бу дўстлар доим омон бўлсин,
Тани соғу, дили бегаму, рухи шодмон бўлсин.
Кизил гулдек бўлиб ранги тагайюр' топмасин харгиз,
Карилигдин эгилмай комати сарви равон бўлсин.
Кошида гунчалар турсин димогига бериб роҳат,
Ватан богида сайраб булбули нозик фиғон бўлсин.
Мухаббат шакари бирла бўлиб мамнун хар соат,
Тақаллум айламакда тўтию ширин забон бўлсин.
Ахолиси била хар эрта - кеч айшу фарогатда,
Бўлиб ахбоблар бир-бирларига меҳрибон бўлсин.
Паришон бўлмасин харгиз хама улфатлари бирла,
Маъиятда, маишатда хамин бўлсин, хамон бўлсин.
Ёзилди чин кўнгили бирла неча мисра тилакнома,
Лузумийдан Хабибийга садокатлик нишон бўлсин.

Хабибий газалига мухаммас

Ассалом, эй ишлаётган ёш(у) картанг дўстлар,
Ўрганиб ҳам ўргатиб ишлашга печанг дўстлар,
Пахлавон, ботир юрак ҳам фикри теранг дўстлар,

Кахрамон, толмас билак, меҳнатда зўр - занг дўстлар,
Гуллатиб кенг пахта майдонларни хорманг дўстлар.
Хар ким ўз килган ишидин рози бўлсин аввало,
Ишни сони ўз сафоси бирла тўлсин аввало,
Кўрганида иш ўзи хар кимга кулсин аввало,
Хар иш ўз вақтида бўлсин, пухта бўлсин аввало,
Алданурсиз килсангиз меҳнатда найранг дўстлар.
Файрат айланг пахта майдонида гафлат йикмасин,
Кўнглингиз хушёр тутинг гафлат анга бош сукмасин.
Кимки меҳнат килса роҳат кўргуси ошикмасин,
Элга берган ваъда юз бўлгунча эсдан чикмасин,
Босмасин дил кўзгусин гафлат била занг дўстлар.
Пахта майдонида олтинлар ётар пайдо бўлиб,
Ишлаган олсин мани деб кичкирур гўё бўлиб,
Тўрт - беш ой муддати бирла ўтар йигмо бўлиб,
Бой бериб кўйманг бу фурсатларни бепарво бўлиб,
Токи килманг хосил олган чоғда аттанг дўстлар.
Тоза меҳнатдан ичиб - еб, ўзингиз соф дил килиб,
Пахта майдонида ишлаб обрў хосил килиб,
Ўзингизга канча элни кўнглини мойил килиб,
Бурчингизни оклаб эркинлик билан койил килиб,
Булбулигўё бўлиб минбарда сайранг дўстлар.
Канчалар муштоки меҳнат лек кўрсатмас жамол,
Шахридин иш топмайин йўлларда бўлди паймол,
Келган эл кўпдир мунингдек бизга жанубдан шимол,
Бу шарафлик меҳнат айна роҳату бахту камол,
Кўнглингиз бўлсин ок олтин бирла хамранг дўстлар.
Пахта майдони Лузумий хусну зеби истагим.
Гайрат била ишлангиз чандон ажиби истагим,
Меҳнат била олсангиз шундог насиби истагим,
Шухратингиз ер юзи тутсин Хабибий истагим,
Кўкни тутсин шодиёна килган оханг дўстлар.

Хабибий газалига мухаммас

Киш кетиб кўклам келиб оламда хар жон кўзгалур.
Ер юзинда сабзалар ел бирла хар ён кўзгалур.
Бог ичинда елпиниб гул бирла райхон кўзгалур,
Сайри гулзор этгали хар лахза жанон кўзгалур,
Чикса жонон кўзгалиб, жисмим аро жон кўзгалур.
Бир ажаб бўйи берур боди - бахорим тўлганиб,
Уйкудин уйгонадурман жисми зорим тўлганиб.
Хар тараф кўзим силар сабру қарорим тўлганиб.
Субхи чоҳида магар чикканда ёрим тўлганиб,
Гул ёкасин чок ётар булбулда афгон кўзгалур.
Касб этиб янги хаво очиб - очиб лаб дам-бадам,
Шўхлик бирла ўзин ташлаб ўнгу чап дам-бадам,

Хар оёгини кўярга жой танлаб дам-бадам,
Юрсалар гулшанда ноз айлаб, кулимсиб дам-бадам,
Гунчалар таълим олиб кулгуни хандон кўзгалур.
Сўйлаганда лабларидин дона-дурлар сочилур,
Юзлари хар ёнга бокиб тоза гулдек очилур,
Бўйлаганда хар тараф товус янглиг ёзилур,
Ўйнаганда силкиниб юз узра сочи сочилур,
Килгали юз минг кўнгилларни паришон кўзгалур.
Кетди дарё қаърига дурдона бу сўз рашкидин,
Кеча очиб гунча лаб сўлгуси кундуз рашкидин,
Яширинур кошин кўриб сув ичра кундуз рашкидин,
Сакрар оху тогда бу кўз рашкидин, юз рашкидин,
Лолалар жисмида аммо кип-кизил кон кўзгалур.
Хулки маргуб, хусни дилсўз бирла кирса базм аро,
Жилвалик лаб, гамзалик кўз бирла кирса базм аро,
Жон кулогига ёкар сўз бирла кирса базм аро,
Лобарона оташин юз бирла кирса базм аро.
Соз олиб созандалар кўлга газалхон кўзгалур.
Нотавон кўнглим севар ёр бирла сухбат шавкини,
Эй Лузумий, канча бўлса килма миннат шавкини,
Ёр ўзи доно билур хар кайси улфат шавкини.
Кўрса хар кимда Хабибийдек мухаббат шавкини,
Гамза бирла эгма кош остида мужгон кўзгалур.

Тошкентдаги Султони Холикийга
Етар ётмок бутун йил, дўстим, иргиб туринг энди,
Томогидан тутиб дардни, бошига бир уринг энди.
Келиб кўклам, кетиб кишлар хавоси ўзгача бўлди,
Бу янглиг рух бахш янги хаволарда юринг энди.
Бўлиб дунё юзи сабза чаманлар тўлди гул бирла,
Чаманда сайраган бечора булбулни кўринг энди.
Ўкиб турли газал булбуллар ила хамсадо бўлиб,
Аларни йиглатиб хам, гунчаларни|кулдиринг энди.
Очилган лолалар бирла биёбонлар гилам бўлди,
Бориб ахбоб бирла ул гиламда ўлтиринг энди.
Биёбонларда шабнамдин табиат маст бўлиб гўё,
Май ким косасидур лола барги сумуринг энди.
Биринчи май бирла Сизни тарбик этгали келди,
Лузумий Тошкентга, Чимкент сари юринг энди.

Илохим, дўстима мандин дуо, сандин шифо бўлсун,
Тани дарддин халос ўлсун, дили гамдин рахо бўлсун.
Агар чанди оти Султон ва лекин бир факирингдур,
Иноят кил анга сиххат била ахли гино бўлсун.
Эшитдим ким, рафикаси хам андак хаста бўлмишдур,
Шифо бер анга хам кўнгли кудуратдан сафо бўлсун.

Танидан дардлар чиксунки, ёшлик куввати кирсун,
Ки яъни ошику маъшук кори наъшайи намо бўлсун.
Кўнгулда бўлмасун кайгу, лабидин кетмасун кулгу,
Кўруб бир-бирларин хушру ки айши бебахо бўлсун.
Фалакдин чекмасун бир гам, хамиша шод хам хуррам,
Умр яшаб умр табъидин иккови хам ризо бўлсун.
Лузумий ўзи Чимкентда хаёли Тошкентдадур,
Кўрушуб дўстлар бирла иши шукру сано бўлсун.

Савол Султон Ахмар ва жавоби Шайх-ул-ислом
Жахон мулки манга бўлса, гамим ортар надандир бу?
Азалда гам суи бирла югурилмиш бадандир бу!
Расулulloх демишларким, жахон мўминга зиндондир,
Ки зиндон ичра шод ўлмас киши байтул Хазандир бу!
Бу дунё бир мазориким, хама эл кўмилур мунда,
Очилган гулларин кўриб дема кайси чамандир бу!
Кўрингки, лолау гуллар ёкасин чок - чок этмиш,
Бу хасрат бирла ким дерлар бакосиз пирохан'дир бу!
Гурури жох ила бечоралардин беҳабар бўлма,
Ки гар хар эски тўн кўрсанг дегил Вайсул Каран дир бу!
Бугун бор эрта йўқдир молу дунё, фахр этиб бўлмас,
Суюк оши била сув устида турган лагандир бу!
Лузумий соф кўнгилдан демиш усмонли султонким,
Жахон мулки манга бўлса гамим ортар надандир бу?

Ошик бўл
Кўнгил, жабру жафоларга чидайман десанг ошик бўл,
Неча турлик балоларга чидайман десанг ошик бўл.
Бу йўлда хорликларга, йигию зорликларга,
Ўшал беорликларга чидайман десанг ошик бўл.
Висолига етолмасдин, ани ташлаб кетолмасдин,
Кима дардинг етолмасдин чидайман десанг ошик бўл.
Етолмасдин саломатга, колиб оху надоматга,
Халойикдин маломатга чидайман десанг ошик бўл.
Сўнгидин гуфтугўликка, ки элдин айбжўликка,
Хама беобрўликка чидайман десанг ошик бўл.
Халол етса маошимга, захарлар тушса ошимга,
Киличлар келса бошимга чидайман десанг ошик бўл.
Лузумий бандаликларга, хароб афгандаликларга,
Хама шармандаликларга чидайман десанг ошик бўл.

Ким ?

Жахон бир мехмонхона, дедилар билмам они ким,
Бу мехмонхонани мехмони кимдур, мезбони ким?
Кетар хар богбон, кўрдим келиб обод этиб доим,
Биродарлар, бу гулшаннинг хакикий богбони ким?

Дариго, одамизода гарибу нотавон бўлиб,
Кирар ер остига ёлгиз, рафики меҳрибони ким?
Хама яхши - ёмон бирдек хаёл эт, барчадин кам тут,
Ўзинг ортик билиб харгиз, дема ман ким фалони ким?
Саломатда , балият да ўзинг бирдек хаёл айла,
Саломатни берибдур ким, юборибдур балони ким?
Биродарлар гумон айлар ки эл яхшиларидандур,
Лузумий яхшиси бўлса, айтинг энди ёмони ким?

Кимизлар бор

Бу Чимён ерида гулдин гилам, кўкдин кигизлар бор,
Элида мурдага жон бергудек ўткир кимизлар бор.
Агар тог устига чиксанг, бўлибдир сабзалар хуррам,
Ва гар бир ёнига боксанг мусаффо қору музлар бор.
Келур хар жилгадин сувлар садаф янглиг шагал узра,
Ки сувлар ёнида хар хил дарахти мева резлар бор.
Бу келган хасталарга эрта - кеч хизмат килиб турган,
Очилган гунчадек ширин сухан озода кизлар бор.
Ориқлаб хасталик бирла келиб мунда шифо топиб,
Бир ойда етти - саккиз кадок кўшган семизлар бор.
Семирган киз - хотинлар хуснига хайрон бўлиб хар дам,
Очилган гўзадек тупки окиб турган огизлар бор.
Десам Чимён, Кримдан кам эмас, ёлгон демангларким,
Бу ерда галлаю - мева, у ерда гар денгизлар бор.
Лузумий, Гарбий Кавказдин дедим Чимён кам эмаским,
У ерда бўлса винолар, бу ерда зўр кимизлар бор.

Колдик

Мухаббат богида Зайнаб икковлон бир бўлиб колдик,
Ажаб кизу йигит эрдик, чолу кампир бўлиб колдик.
Етилган хандалакдек кўринур эрдик қариб энди,
Ичи тушган қовундек олвиру-шолвир бўлиб колдик.
Орамизга жудолик тушди ўн бир йил ҳукуматдан,
Уралда ман бу ерда сан ажаб дилгир бўлиб колдик.
Эссиз умри азизимиз жудолик даштида ўтди,
Қонолмай айшу ишрат жомидин нимсер бўлиб колдик.
Тугилди иккимиздан киз - ўгил гул гунчалар янглиг,
Қурук қолмай, бихамдилло, қаманлиг ер бўлиб колдик.

Зайнаб

Кичикдин бир - биримиз бирла бўлдук ошно Зайнаб,
Мухаббат боғлашиб бир - бирга бўлдук мубтало Зайнаб.
Йигирма бирла ўн етти ёшимизда севишганмиз,
Кўз остида боқиб бир-бирга дердук мархабо Зайнаб.
Орамизга жудолиг хайбати тушти рафиклардан,
Қамиша йиглашиб биз айладук оху наво Зайнаб.

Бихамдилло, машаккатлар била жуфтлик насиб бўлди,
Ойирмакка тараддуд килса хам ахли гино Зайнаб.
Бири кози боласи-ю, бири бой ўгли эрдилар,
Икки ёкдин талаб айлаб килолмади жудо Зайнаб.
Етиму камбагаллик бирла кўп маъюслар бўлдум,
Кичикдин тузган аҳдинг бузмадинг, рахмат санга Зайнаб.
Лузумий бир етим ўглону сан давлатли киз эрдинг,
Аромизга мухаббат тушди бўлдук ошно Зайнаб.

Ганиматмиз

Жахон айвонида бир, икки кун Зайнаб, ганиматмиз,
Бўлайлик бир - биримиз бирла ширин гап, ганиматмиз.
Килиб тангрига тоат иккимиз ўз вақтида доим,
Килайлик бир-биримиз шод рўзу шаб, ганиматмиз.
Иккимиз бир-биримиз эхтиром айлаб кеча-кундуз,
Курайлик оиламиз ичра бир мактаб, ганиматмиз.
Келур бир кун ўлим хар иккимизга навбати бирла,
Колурмиз иккимиздан биримиз йиглаб, ганиматмиз.
Лузумий ёнида гар бўлмасанг бир кеча Зайнабхон,
Кўзига уйку келмайдур сани излаб, ганиматмиз.

Зайнаб марсияси

Кетиб ёрим жахондин колмишам ман бенаво ёлгиз,
Фирокида чекарман эрта - кеч оху наво ёлгиз.
Табиблар кўп даволар бердилар, аммо на чораким,
Чаро-у чун демак йўк, бермади дармон, казо ёлгиз.
Худоё, рахмат эт бечораниким, фазлинга мухтож,
Коронги гўр ичинда ёткуси шому сабо ёлгиз.
Чароги рахматинг бирла ёрутиб кабрини, ё раб,
Гунохин авфу килмокни килур сандин ражо ёлгиз.
Киёмат кун йўлуктур иккимизни бир - биримизга,
Ёруг юзлар ичинда кўймагил юзи каро ёлгиз.
Ризо бўл меҳрибон ёрим, худони хукмига ман хам,
Борурман канча кундан сўнг ўлим эрмас санга ёлгиз.
Танимда токи жоним бор, унутмайман сани Зайнаб,
Ўкиб рухингга куръон, эрта-кеч айлаб дуо ёлгиз.
Лузумий, сабр килгил хар мусибат етса тангридин,
Жахонда сан эмассан ёрдин бўлган жудо ёлгиз.

Гамим ортар

Жахон яхши ёмонин ўйлаган сайин гамим ортар,
Камаймас яхшидан бир гам, ёмондин мотамим ортар.
Гамимдан баъзисин дафъин килурга истайин хамдам,
Десам гар бир гамимга юз гамин ул хамдамим ортар.
Мухаббат ахли бир икки бўлиб, кўнглим суяр хилват,
Улус гар издихом этса кўнгилда муздамим ортар.

Жахон доноларин хулки хушиндин шод ўлур кўнглим,
Вале нодонларин хулки замиминдан гамим ортар.
Лузумий, дўсту душман фарки маълумим бўлур десам,
Бу икки кимсадан ёвман фаёвман мубхамим ортар.

Эгрилардан коч

Эй кўзимнинг нури, кўзинг дунёга ибрат бирла оч,
Тўгрилардан улфат этгил, эгрилардан доим коч.
Эгриликдан нафрат айлаб, тўгриликни одат эт,
Тўгрилик мушкул экан ким, эгрилик бўлса мажоч,
Тўгриликдан ҳеч киши бўлмас пушаймон бир нафас,
Эгрилик гар бир қарич бўлгай пушаймон бир кулоч.
Сочмагил харгиз ёмонлиг тухумин ўрмок кийин,
Канча бўлса яхшилик тухмини харёна соч.
Тўгрилик бирла хўкиз бўйнидадир бўйинтурук,
Эгрилик бирла казар ер, думшуги бирла омоч.
Тўгрилик бирла иморатлар аро устун бўлур,
Киркилиб ҳам ёрилиб ўтин бўлур эгри ёгоч.
Эй Лузумий, бир кораланса отинг бўлмайди ок,
Ким окармас сувда юз йил ётса гар куйган ёгоч.

Гўзал

Кўрмадим дунёда сан янглиг гўзал,
Гунча лаб, гул юз чаман янглиг гўзал.
Кетмагай харгиз димогимдан иси,
Сочларинг мушки хўтан янглиг гўзал.
Бир кулиб кўйсанг жахонни ёритур,
Тишларинг дурри адан янглиг гўзал.
Сўзласанг гар шуъласи жонга тегар,
Лабларинг лаъли яман янглиг гўзал.
Элни кўп кезди Лузумий йўк эмиш,
Ман каби ёмону сан янглиг гўзал.

Ичкилик

Кўп ёмонликни онаси ичкилик,
Кўп зиёнликни уяси ичкилик.
Кайси ерда бир бузуклик бўлса гар,
Ул бузукликни асоси ичкилик.
Ким дўконидан чикибдур камомад,
Камоматни ибтидоси ичкилик.
Кайси шофёр гар аварий айласа,
Ул аварий пешвоси ичкилик.
Бундан ўзга кўп фалокатлар-ки бор,
Текшириб кўрсанг дояси ичкилик.
Хар каю душмондин ортик душмони,
Хар кишини гар ошноси ичкилик.

Эй Лузумий, кўп азизлар бўлди хор,
Бўлмок ила муддаоси ичкилик.

Бахор келди
Фасли бахор келди,
Гўёки ёр келди,
Сабза тўшаб йўлига,
Гуллар катор келди.
Бошига гул кадашиб,
Хар шохи - сор келди.
Гунча кулиб - кувониб,
Беихтиёр келди.
Булбул фиғонлар айлаб,
Гулга дучор келди.
Хар куш ўзича куйлаб,
Танбур - дотор келди.
Колхозчилар кувониб,
Ишга тайёр келди.
Мехнатсевар кишига,
Бир бахтиёр келди.
Хушчогсан, Лузумий,
Шеъринг шиор келди.

Эй бахор, хуш келдинг!
Ассалом, эй бахор, хуш келдинг,
Биз эдик интизор, хуш келдинг!
Кишда бўлган курукчиликка,
Йиглабон зору зор, хуш келдинг!
Ер узра тўшаб гиламларни,
Айтадур сабзазор, хуш келдинг!
Бошга гул кадаб, эгиб каддин,
Дер хама шоху сор, хуш келдинг!
Гунчалар илжайиб, кеча - кундуз,
Очилиб гул турар, хуш келдинг!
Жонворлар бари чикиб ердин,
Барча куш кичкирар, хуш келдинг!
Келганигни Лузумий табриклаб,
Бир эмас, дер хазор, хуш келдинг!

Келин-куёв бир бирига

Тур, борайлик ишга чаккон, ёр-ёр,
Ер юзига хожа инсон, ёр-ёр.
Ор эмасми, ухламок иш чогида,
Тенгларимиз килса жавлон, ёр-ёр.
Пахта экиш чоғидур бу, оч кўзинг,

Мунтазирдир пахта майдон, ёр-ёр.
Пахта майдонида шундай ишлайик,
Кўрган этсин: бу гулистон, ёр-ёр.
Ок олтиндан ололсак хиссамиз,
Бизга бўлгай ўлжа чандон, ёр-ёр.
Ишлаб-ишлаб хосил олган чоғимиз,
Бизга бўлсин халк хайрон, ёр-ёр.
Ишлайик, кел иккаламиз ёришиб,
Чун Лузумийдир газалхон, ёр-ёр.

Ўхшайдику

Эй кўнгил, ишк истадинг ранжу бало ўхшайдику,
Ёрдин меҳру вафо, жабру жафо ўхшайдику.
Ошно душмандин ортиқрок жафо айлар манга,
Душманимни имлаган ул ошно ўхшайдику.
Оху фарёд айласам кўнглим сугормас лутф ила,
Ишк ўтига ўртаниб ўлсам ризо ўхшайдику.
Жон фидо айлай десам харгиз анга манзур эмас,
Манга ўхшаш минг-минг эл анга фидо ўхшайдику.
Ишк дардига даво маъшук васли, дер хануз,
Васли йўк, баским бу дарди бедаво ўхшайдику.
Ишк богида фиғон айлар Лузумий эрта - кеч,
Бир лаби гунча санамга мубтало ўхшайдику.

Ўлтирур нозу карашма бирла сочин торалаб,
Ёр васлига етолмай йиглаюрман моралаб.
Васлига етмак бўлурму ёки бўлмас найлайн,
Ихтиёримни олиб кўйди мани оворалаб.
Эгадирсан кайтуб ол кўнглинг вафосиз ёрдин,
Итларига ташлаган ул шўх кўнглум поралаб.
Ичмаган йўктур жафо жомин фалакни илкидин.
Лек элга косалаб ичкузди манга чоралаб.
Эй Лузумий, хар жафо етса чидайман ёрдин,
Ким тополмадим мунигдек ёр, элни оралаб.

Оналарга салом

Ассалом, эй оналар, жон оналар,
Тугилур сиздан хама жононалар.
Ер юзини яшнатиб авлодингиз,
Осмон узра учуб, айлоналар.
Богу бўстонлар бариси сизники,
Турли айвон, барча болохоналар.
Богларда очилурлар гунчалар,
Далаларда сочилурлар доналар.
Рахмат айтиб сайрашур хам куйлашур,
Богда булбул, далада бедоналар.

Рахмат этса булбулу бедоналар,
Мен хам айтай сизга рахмат, оналар!
Бу - Лузумий шеърідур деманг магар,
Сизни табрик этгани дурдоналар.

Хотин

Хуш жилов бўлса агар дунёни хуридур хотин,
Умрларни рохати жонни хузуридур хотин.
Яхши сўз, яхши киликлар бирла шод этса эрин,
Кўнгилларни равшани хам кўзни нуридур хотин.
Яхши бўлса жамики дўстлардин яхширок,
Гар ёмони бўлса душманларни зўридур хотин.
Юзи каттик, сўзи аччик, беҳаё бўлса агар,
Умрларни офати хам эрни шўридур хотин.
Лабзи ширин, хулки хуш бўлса агарчи байнамо,
Хавзи кавсарни лаби, жаннатни тўридур хотин.
Гар паризоди эрам ахлоксиздир беадаб,
Хуснига алданмагинким хирсу бўридур хотин.
Яхши сурат, яхши сийрат бўлса хар хотинда жам,
Бахтли эрдирки, нур устига нурдур хотин.
Эй Лузумий, бул сўзинг магзи насихатдур вале,
Хох яхши, хох ёмон эркак заруридур хотин.

* * *

Фил масал, эр ой бўлса офтобидур хотин,
Эр агар заррин кадах, гулгун шаробидур хотин.
Эр хотинсиз, хотин эрсиз бўлса бехосил хаёт,
Эр агар гул шохи булса, барги нобидур хотин.
Бўлмаса хотин агар дунёда бўлмас ишк хам,
Ишк сайёдин ёяр домин танобидур хотин.
Ишксизлар билмагай хикматлариким бор эмиш,
Ишкда инсоният хикмат китобидур хотин.
Эл хотинларни мазамматлар, Лузумий мадхлар,
Чун ани махбубаи олийжанобидур хотин.

Чарогидур хотин

Эр кишининг уйини ёнган чарогидур хотин,
Жисми жонин рохати кўнглин фарогидур хотин.
Кеча - кундуз хамдаму хамгам жахон ташвишида,
Дўстлар хар канча бўлса яхширогидур хотин.
Умр зоедир агар хотинсиз ўтса бир замон,
Умр бир гулдир ани яшнарга богидур хотин.
Бўлмаса хотин, кишига насл кайдин бўлгуси,
Киз - ўгил гул - гунчадек битган бутогидур хотин.
Эр - хотин тенгдир хакикатда тарозу палладек,

Бир товоги эр бўлса, бир товогидур хотин.
Хотини йўқларни кўрким бош - оёгидур хароб,
Чунки эрни эрта - кеч ойна - тарогидур хотин.
Бўлмаса хотин жахонни богу роги на керак,
Дунёда севган Лузумий богу рогидур хотин.

Болалар

Илм ўкиган болалар, очилган гул лолалар,
Турли илм ўқишиб, олим отин олалар.
Ўкимаган болалар, экилмаган доналар,
Илму хунар ололмай, тугилганча колалар.
Болаларим, ўкинглар, ўкиб яхши укинглар,
Илму хунар ўрганиб, янгиликлар тўкинглар.
Ўкимаслик вахшийлик, табиатга каршилик,
Илму хунар ўрганиш, инсонга хос яхшилик.
Ўкимадинг Лузумий, бўлдинг одамлар шуми,
Уялмайин сўйлайсан, инсонлик шарти шуми?

Кўрмасун

Эй Худоё, ҳеч банда доғи фарзанд кўрмасун,
Доғи фарзанд мотамин зиндонида банд кўрмасун.
Уч юз олтмиш томиридин ўт чикиб, жисмин тутуб,
Ақлдин бегона булгой хар хирадманд кўрмасун.
Умр ширин, шўр бўлур гар доғи фарзанд чекса ким,
Захар бўлгой бу аламдин катраи канд кўрмасун.
Ҳеч ким ёш ўлмасун, ота-онаси куймасун,
Пора - пора бағрида юз доғи пайванд кўрмасун.
Эй Лузумий, ҳеч кимса доғ кўрмай чора йўқ,
Айтганим йўқким, ота доғини фарзанд кўрмасун.

Ушлар

Ўқуб саъй-у талаб² килгон ўзини матлабин ушлар,
Ўкумай колса ким афсус ила тишлаб лабин ушлар.
Синоатдин курук кўл ерда белдин ўзгани тутмас,
Синоат ахлини кўр, кўкни ой-ю кўкин ушлар.
Ўтургон ахли фазл ила фазилатдин бўлур огох,
Ўтургон ахли жахл ила жахолат мазхабин ушлар.
Хунарсизлик илмсиз кишини колдирур лаънатда,
Хунар билган, илм билган улуглик мансабин ушлар.
Лузумий, кил хазар жохил кишига панд килмоқдин,
Агарчи унга гапурсанг жахл ила они чапин ушлар.

* * *

Беадаблик йигитга офатдур,
Беадаб кимса бешарофатдур.

Беадаб ҳеч кимга ёкмайдур,
Беадаблик ёмон киёфатдур.
Беадабни ҳамма ёмон кўргай,
Кўрган эл дер бу шум касофатдур.
Ким адаблик бўлуб юруб - турмаги,
Халк учун бу улуг зиёфатдур.
Эй Лузумий, адабсиз хар кимдин,
Туртки еб хар қачон хижолатдур.

Васият

Ман ўлсам эй болалар, йигламанглар,
Хама хеш акраболар, йигламанглар.
Вале ер остида холимни ўйлаб,
Килинг яхши дуолар, йигламанглар.
Худоё, раҳмат эт бу осийни деб,
Килинглари илтижолар, йигламанглар.
Худони ҳукмига бўлдим ризо ман,
Бўлинг сиз ҳам ризолар, йигламанглар.

* * *

Ўлумни олдида доно била нодон баробардур,
Қаро ер остида мискин била султон баробардур.
Ўзингни тоат ила элдин ортук кўрма, эй зоҳид,
Худони раҳматиға тоату исён баробардур.
Мурувват, хулқи хуш инсон ила хайвон тафовути,
Ва гар на нафсда хайвон ила инсон баробурдур.
Бахиллик бир ёмон ҳислат кишиға обрў бермас,
Агар миннатлик ўлса бухл1 ила эҳсон баробардур.
Бировни айбини кўрсанг кишиға айтмагил харгиз,
Тўкулган обрў бирла тўкулган қон баробардур.
Лузумий, чин гапур, аммо кишиға безарар бўлсун,
Зарарлик бўлса гар, ул чин бирла ёлгон баробардур.

Халк ичинда...

Халк ичинда энг қами наздимда энг ортиқидур,
Эл қошида ортиқи бори эрур қам йўқидур.
Қимқи ортиқ бўлса ул элдин ўзин қамрок билур,
Қим ўзин ортиқ билур қибру ҳаво сандуқидур.
Ори қам ортиқ бўлур фазлу ҳунар бирла вале,
Сан қаму ортиқ дема барча худо маҳлуқидур.
Эй Лузумий, ҳеч қим таҳқирға лойиқ эмас,
Хар гадо ўз қўнғлида шоханшоҳи Салжуқидур.

* * *

Мукулмонликда килдим май била хув,
Мукулмонлиг кани гар бўлмаса був,
Тахорат ташингга сув бирла килдинг,
Ичингни эмди зохид, май била юв.
Муҳаббат жоми бирла маст бўлуб,
Кўнгилдин худнамолиг фикрини кув.
Бўлиб маст - аласт хар эрта - кеч,
Халойик ичра бул афсона дув - дув.
Манга жанон қачон бир коса тутса,
Сумурурман агарчи бўлса огув.
Лузумий, тангри гаффор аззубдур,
Гунохинг кўплигидин чекма кайгу.

Жононалар янглиг

Муҳаббат бўлса гар бегона хам жононалар янглиг,
Муҳаббат бўлмаса гар хеш хам бегоналар янглиг.
Фидои ул биродарман агарчи ул йирок ерда,
Муҳаббат бирла ул хар эрта - кеч хамхоналар янглиг.
Муҳаббат ахли бирла суҳбат этсанг шавкинг ортарким,
Сўзи таъсирида майдек лаби паймоналар янглиг.
Муҳаббат бир майидурким исидин маст бўлур жонлар,
Муҳаббат ахлин ўлтирган ери майхоналар янглиг.
Муҳаббатсиз киши гўё магас ёр айбини истар,
Муҳаббат ахли дўстин олдида парвоналар янглиг.
Муҳаббат ахлидин аклу қаёсат истаманглар ким,
Муҳаббат ахли харчанд хушманд девоналар янглиг.
Муҳаббат жомидин бўлмиш Лузумий масти лояъкил¹,
Вале мардум қошида окилу парзоналар янглиг.

Яхши кўринурсан

Кўзимга мунча яхши кўринарсан,
Ки гўё гунча янглиг кўринарсан.
Килигинг канча яхши бўлса манга,
Ўзинг хам шунча яхши кўринурсан.
Очук юзу илик сўз бўл хамиша,
Ки ойу кунча яхши кўринурсан.
Табиатни хамиша шод килсанг,
Майи гулгунча яхши кўринурсан.
Бу йўлда ошику маъшук баробар,
Кўрарсан канча яхши кўринурсан.
Лузумий, шод кил ёрингни сан хам,
Анга ўлгунча яхши кўринурсан.

Ажаб яхши замон бўлди

Бокинг инсоф ила дўстлар, ажаб яхши замон бўлди,

Ки хар илму хунар истар кишига йўл равон бўлди.
Чикиб турли хунарлар халк учун хизмат килиб чандон,
Курук ерлар бўлиб дарё-ю, чўллар бўстон бўлди.
Бурунги минг кишилик ишни энди бир киши килгай,
Огирликлар кетиб элдин, енгилликлар аён бўлди.
Поездда сайр этарди эл, узок ерларга хар доим,
Поезд ерда қолиб энди саёхат осмон бўлди.
Тараккийга борур ёшлар ўкиб илму хунарларни,
Уларни саъйини кўрган қарилар шодмон бўлди.
Хамма дунё топиб айлар иморат шаҳру кишлокда,
Ки эллар янги эл бўлди, жахон янги жахон бўлди.
Лузумий, халкимизда бу маишат йўк эди асло,
Коммунист партия бошчи бўлиб эл комурон бўлди.

Томоша кил

Бўлиб кўклам очилди гул гулистонни томоша кил,
Гулистонларда булбул чеккан афгонни томоша кил.
Кириб гулзор ичинда субхидам булбул фиғонига,
Табассум бирла турган гунча хандонни томоша кил.
Чикариб тоза - тоза барг ичинда тўп - тўп гуллар,
Ўзига зеб берган боғу бўстонни томоша кил.
Ютиб янги хаводан соғлик сармоясин истаб,
Кувониб ишлаётган ишчи - дехконни томоша кил.
Биёбон лолаю сабза била гўё гилам бўлди,
Гилам устида юрган кўю чўпонни томоша кил.
Чаман янглиг бўлиб аввал, очиб хар турли гул охир,
Ок олтин бирла тўлган пахта майдонни томоша кил.
Лузумий, ер юзи бу кун томоша мавсуми бўлди,
Хусусан, Осиёда Ўзбекистонни томоша кил.

Ўғлим - кизим

Ассалом, эй қахрамон ўғлим - кизим,
Пахтазорда ишлаган ўғлим - кизим.
Даштларни пахта экиб, хўб гуллатиб,
Айлагансизлар бўстон ўғлим - кизим.
Оппок олтинлар ундириб тупрокдин,
Мамлакатни беаган ўғлим - кизим.
Ишни сонлиг хам сопоглиг айлангиз,
Айламангиз ҳеч найранг ўғлим - кизим.
Хар газету журналларда ўқишур,
Отингиз ахли жахон ўғлим - кизим.
Отингиз яхши, ёмон этманг ани,
Тенг эмас яхши - ёмон ўғлим - кизим.
Мадхингиз айлар Лузумий эрта - кеч,
Ошкоро - у ва нихон, ўғлим - кизим.

Гўристонда бўлгон илхом
Хаммамизни келурга жойимиз шул,
Киёмат кунгача маъвойимиз шул.
Ясаб тобут бирла келтурурлар,
Елиб охирги минган тойимиз шул.
Ер остига кўйарлар хох ногох,
Нетармиз, чора йўк манглайимиз шул.
Каро туфрог бўлур ёнбошимизда,
Тўшалган кўрфа атлас - шойимиз шул.
Кўлингдин келса элга яхшилик кил,
Килингон яхшилик дунёйимиз шул.
Ямонлиг килма, йўк, харгиз кишига,
Кўнгулда доимо парвойимиз шул.
Бировни сувратин зебо деманглар,
Кишиким яхши хулк зебойимиз шул.
Кимиким келса иймон бирла мунда,
Халойикга отоглиг бойимиз шул.
Лузумий кандог одам, деганида,
Айтинглар халк аро расвойимиз шул.

Билмайман

Дунёга келиб ман кетаримни билмайман,
Умримни каён сарф этаримни билмайман.
Ёшликни оти бирла чопибман доим,
Сўнгимда карилиг етаримни билмайман.
Зайнаб, мани ўлгон сўнг ким ёд этар билмайман,
Куръон ўкуб рухимни ким шод этар билмайман.
Абдулазим ўглимиз куръон ўкуб билмайдур,
Тангри магар охирда иршод этар, билмайман.

* * *

Эй кўнгил аслинг билсанг кону ийрин,
Гапургил бир - бирингга ширин - ширин.
Дунёда бир - икки кун мехмонмиз,
Кетармиз ўлуб - ўлуб бирин - бирин.

Билмайди

Мани номехрибон ёрим вафодорлигни билмайди,
Кўнгил берганга жуз1 зулму ситамгорлигни билмайди.
Юрагим кўлига бердим аёғ остида бостурди,
На билгайман ман бедил, у дилдорлигни билмайди.
Табиб олдида ўз дардимни ахволин гафурдим ман,
Вале ул чорасин, бул хайл2 беморлигни билмайди.
Бу эшикда на суд, ул йигламокдин додхохларга,
Ки султонлар гариб чеккан дил озорлигни билмайди.

Кўнгулда максадимни яхши билгай дилбарим, аммо,
Тагофил айлагай гуё хабардорлигни билмайди.
Лабу тиши унингдекни менингдек огзига лойик,
Ки хечким тўтидин ортук шакархорлигни билмайди.
Камол элдин яшуrolмас кўзин ўйнатмаким ганиЗ,
Эрур ул ринд зохид янглиг аййорлигни билмайди.
Лузумий форс кизин уйига ўзбек кўйлагин тикди,
Ярашкон бўйига шундогки кенг - торлигни билмайди.

1. Жуз - а - бошка, ўзга,
2. Хайл - а - гурух, тўда.
3. Фани - а - бой, хеч камчилиги йўк.

Тўртлик

Худоё, ёрлака бу бандаларни,
Ёшургил айбини шармандаларни.
Муаттар айла рахмат атри бирла,
Гунох чиркига боткон гандаларни.

Бўлмасун

Хеч эркак дўстлар бир кун хотунсиз бўлмасун,
Коп-кора бўлгой жахон бир кун кунсиз бўлмасун.
Эр ярим, хотун ярим бир кўшулуб бўлгой бутун,
Хох эркак, хох хотун харгиз бутунсиз бўлмасун.
Эр хотун бир - бирига киммат бахолик тўн эрур,
Дунёда одам боласи хеч тўнсиз бўлмасун.
Яхши хотун эр кишини давлатини бошидур,
Канча давлат бўлсун, лек унсиз бўлмасун.
Эй Лузумий, эр хотун бир - бирга бўлсун меҳрибон,
Хар сўзида иккиси кулку ўйинсиз бўлмасун.

Сокол

Соколин кирмоги мўъмин киши иймонига нуксонми?
Соколин бир тукига тегмаган Пўплар мусулмонми?
Расулуллох кесиб мўйлов кўюб сокол демишларким,
Хадис мазмунига зохид ўзи аввал тушунганми?
Тушунган бўлса мўйлабни кесиб сокол кўйор эди,
Икковин хам баробар ўстуруб кўйибти ёлгонми?
Мажусийлар хилофида бўлунглар деб буюрганлар,
Пўпларни сиёкида бўлунглар деб буюрганми?
Манга тош отма, эй зохид, сокол кўймас Лузумий деб,
Ўзинг кўй, канча кўйсанг, ул санга бир йўл тош отканми?

* * *

Когозингиз бахор, дедим ман,
Хатларин сабзазор, дедим ман.

Нукталар гунчадек кулиб турган,
Кипригим анга хор, дедим ман.
Кўзларим аридек кўнуб гулга,
Ёпишиб бол терар дедим ман.

* * *

Сенсиз ўтган бир кеча бир йилдин ортукдур манга,
Сан билан ўтган умр бир кечача йўқдур манга.
Бевафолиг расм этсанг гар санинг учун айб эмас,
Сандин, эй дилбар, жафо хам келса тансукдур манга.
Нозинг бирла хар жафо килсанг севар жоним ани,
Нозингга шукр этмасам гар катта ёзукдур манга.
Эрта - кеч ётсам сар кўйингда уммати ишк бўлиб,
Ёнбошимда тош бирла гишт хамки момукдур манга.
Агар чандича кампирсан ўзимга киздин ортуксан,
Катикдек ачиг-ачиг сўйласанг кимиздин ортуксан.
Кичикдин бўлгон эрдинг, хар кадрдонимдин ортуксан,
Каригон чоғда хам жисмимдаги жонимдин ортуксан.
Сочингни окидин ўксумагилким хурдин ортуксан,
Коронгу кечада боксам кўзимга нурдин ортуксан.
Такаллум айласанг гар накхат райхондин ортуксан,
Табассум айласанг гар гунчайи хандондин ортуксан.
Латофат богида олма, анор, анжирдин ортуксан,
Неча йил меваким оламда бор хар биридин ортуксан.
Думогимга келур бўйинг чаманда гулдин ортуксан,
Лузумийга демайсан бог аро булбулдин ортуксан.

Тўлгониб

Субхидам келгач чаман сорига ёрим тўлгониб,
Уйготур жисмим думоги мушкборим тўлгониб.
Шавки бирла эрта-кеч кезсам сабодек хар тараф,
Кўрголи кундек юзин кўймас губорим тўлгониб.
Ўлганимдан сўнг мозорим узра кўйса гар кадам,
Иўк, ажабким кўзголур жисмим мозорим тўлгониб.
Ишк даштида кезарман эрта - кеч мажнунвор,
Шул умидимким, келур Лайли шиорим тўлгониб.
Васл умидида хушим, аммо фирокин ўйласам,
Калтирар кўркуб нихоним, ошкорим тўлгониб.
Во дариг, бир йўл кўролмасдин жамолин шавкидин,
Ўртануб жоним чиқар, охим шарорим тўлгониб.
Эй Лузумий, доги пинхонимни килсам ошкор,
Душманам йиглар эзилиб, дўст зорим тўлгониб.